

Рўзанинг мустаҳаблари



10:00 / 14.05.2019 2219

Қуйидаги амаллар рўзанинг мустаҳабларидир:

- 1.** Бирор нарса билан, бир қултум сув билан бўлса ҳам саҳарлик қилиш, саҳарликни кечанинг охиригача суриш.
- 2.** Қуёш ботиши билан шом намозини ўқишдан олдин дарҳол оғизни очиш. Ширин ва ҳўл нарса билан оғиз очиш афзал.
- 3.** Оғизни очишда ривоят қилинган лафзлар билан дуо қилиш.
- 4.** Рўзадорларга ифтор қилиб бериш.
- 5.** Жунублик, ҳайз ва нифосдан қилинадиган ғулсни кечга қўймай, тонг отишидан олдин қилиб олиш.

6. Тил ҳамда аъзоларни ортиқча гап-сўз ва амаллардан тийиш.
7. Рўзани бузмайдиган, аммо ҳузурбахш нарсаларни тарк қилиш.
8. Оила аъзолари ва қариндошларга кенгчилик қилиш. Бева-бечора ва камбағалларга хайр-эҳсонни кўпайтириш.
9. Қуръон қироати, илм суҳбатлари, зикр ва салаватларни кўпайтириш.

«Мўминнинг қалқони» китобидан